Ўзбекистон Республикаси
mas'uliyati cheklangan jamiayti

«MASLAXATAUDIT-M»

аудиторлик ташкилоти

«Тасдиклайман»
МЧЖ «Маслахатаудит-М» АТ
директори _____М.Гулбоев

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг
2019 йил «Молиявий ҳисобот»ни текшириш натижалари бўйича

АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Шартнома № 18 10.02. 2020 й
Бажарилган вакти 25.03. 2020 й

Жиззах - 2020 йил.

«MASLAXATAUDIT-M» AT
130100, Ўзбекистон Республикаси, Жиззах шаҳри,
Байналминалчилар-5
Тел: (8372) 226-55-78, +99897-325-51-59
Maslaxataudit@mail.ru www.Audit-m.uz

JPA INTERNATIONAL

«MASLAXATAUDIT-M» LLC
130100, Pepublic of Uzbekitan, Djizak city,
Baynalminalchilar-5
tel: (8372) 226-55-78 ,. +99897-325-51-59
Maslaxataudit@mail.ru www.Audit-m.uz

25.03.2020 йил

Жиззах шаҳри

«Дўстлик пахта тозалаш» АЖ
бош директорига

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Ушбу аудиторлик хулоса «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Жиззах вилояти, Дўстлик тумани , Хамза кўчаси 1-уйда жойлашган. 2019 йил 20 сентябрь куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №001016- сонли гувохнома берилган, Солиқ тўловчи сифатида Дўстлик туманида руйхатга олиниб 20099887-сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ "Агро банк" Дўстлик бўлими (МФО 00129) да 2021 0000 2003 9395 2001 сонли асосий ҳисоб рақамига ва бошқа махсус ҳисоб рақамларига эга.

Биз, Mas'ujiyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудитори М.Шарипов (*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №05302-рақамли аудиторлик малака сертификати 02.05.2015 йилда берилган*) ва ёрдамчи аудитор Х.Заидбековлар томонидан, 2020 йил 10 февраль кунги №18-сонли шартнома ва аудит текширув дастурига асосан таҳририятнинг 2019 йил 1 январдан 31 декабрь даври учун тузилган молиявий ҳисоботини текшириш натижасида тайёрланди. MCHJ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудиторлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан 2019 йил 1 апрелда 00751-сонли лицензияни олган бўлиб, Жиззах шаҳри, Байналминалчилар кўчаси, 5-уйда жойлашган, АТИБ "Ипотека банк" Жиззах вилоят филиалида (МФО 00122) ҳисоб рақами 20208000404136258001, ИНН 203679800, №33-О/001-рақамли суғурта полиси «Кафил-суғурта» суғурта компанияси томонидан 2020 йил 4 январда берилган.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат. Биз «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖШ «MASLAXATAUDIT-M» АТ
директори: **М.Гулбоев**

МЧЖШ «MASLAXATAUDIT-M» АТ
аудитори: **М.Шарипов**

«Дўстлик пахта тозалаш» АЖ
бош директорига

««Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти (СТИР 200998873) нинг
2019 йил "Молиявий ҳисобот"ларини текшириш натижаси бўйича

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТ.

2020 йил 25 март Дўстлик шаҳри.

1.АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТНИНГ КИРИШ КИСМИ.

1.1. Аудиторлик ташкилоти ҳақида маълумот

Ҳисобот Mas'ujiyati cheklangan jamiyati shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудитори М.Шарипов *(Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг №05302-рақамли аудиторлик малака сертификати 02.05.2015 йилда берилган)* ва ёрдамчи аудитор Х.Заидбековлар томонидан, 2020 йил 10 февраль кунги №18-сонли шартнома ва аудит текширув дастурига асосан таҳририятнинг 2019 йил 1 январдан 31 декабрь даври учун тузилган молиявий ҳисоботини текшириш натижасида тайёрланди. MCHJ shaklidagi «MASLAXATAUDIT-M» auditorlik tashkiloti аудиторлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан 2019 йил 1 апрелда 00751-сонли лицензияни олган бўлиб, Жиззах шаҳри Байналминалчилар кўчаси, 5-уйда жойлашган, АТИБ Ипотека банк Жиззах вилоят филиали, МФО 00122, ҳисоб рақами 20208000404136258001, ИНН 203679800, №33-О/001-рақамли суғурта полиси «Кафил-суғурта» суғурта компанияси томонидан 2020 йил 4 январда берилган.

Ушбу аудиторлик хулоса «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмуриятига тақдим этиш учун тайёрланди. Юридик манзили: Жиззах вилояти Дўстлик тумани Хамза кўчаси 1-уйда жойлашган. 2019 йил 20 сентябрь куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №001016- сонли гувохнома берилган, Солиқ тўловчи сифатида Дўстлик туманида руйхатга олиниб 200998873-сонли СТИР (ИНН) коди берилган. АТБ "Агро банк" Дўстлик бўлими (МФО 00129) да 2021 0000 2003 9395 2001 сонли асосий ҳисоб рақамига ва бошқа махсус ҳисоб рақамларига эга.

Аудиторлик текширишга тақдим қилинган ойлик, чораклик, ярим йиллик, йиллик ҳисоб ва ҳисоботларнинг ҳамда «Молиявий ҳисобот»нинг ва бирламчи бухгалтерия ҳужжатларининг, бошқа аудиторлик текширишга таалуқли маълумотларнинг тайёрланиши тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун учун «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг раҳбари биринчи имзо ҳуқуқи билан Д.Хўжатов ва иккинчи имзо ҳуқуқи билан бош бухгалтер А.Ҳазратқуловлар тўлиқ аудиторлик текшириш ўтказилган даврга жавобгардирлар.

Тузилган шартномага кўра аудиторлик текширишдан ўтказишнинг мақсади жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолиятини белгиланган дастур асосида аудиторлик текширишдан ўтказиб АФМСга асосан аудиторлик ҳисобот ва ҳулоса бериш.

Аудиторлик текширишдан ўтказиш учун тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар, бирламчи бухгалтерия хужжатлари ҳамда барча маълумотларнинг тўғрилиги учун жамият маъмурияти маъсулдир. Бажарувчи эса тақдим қилинган бухгалтерия ҳужжатларини, ҳамда маълумотларни текшириб, текшириш натижасида билдирилган фикрлар учун маъсулдир.

Аудиторлик текширишда Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги, «Бухгалтерия тўғрисида»ги қонунларидан, «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари», Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари»дан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларидан, Вазирлар Махкамасининг қарорларидан, Адлия Вазирлигида давлат рўйхатига олинган ва амалда қўлланилаётган йўриқнома ҳамда тартиблардан фойдаланилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти раҳбари ва бош бухгалтери жавобгар ҳисобланади. МЧЖ «MASLAXATAUDIT-M» АТ мазкур молиявий ҳисобот бўйича билдирилган фикрлар учун масъулдир.

Биз аудиторлик текширувини аудиторлик фаолияти миллий стандартларига (АФМС)га мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар ташқи фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақазо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошка молиявий ахборотнинг қонун хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

1.2.Умумий маълумотлар.

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти 1994 йил 2 декабрдаги 305-сон буйруғи асосида ташкил этилган. Жиззах вилоят хокимлиги Адлия бошкармасидан 25.05.1995 йилда давлат руйхатидан ўтиб гувохнома олган, Дўстлик туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 13.08.2010 йилда 1016-реестр ракам билан қайта руйхатга олинган, Дўстлик туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиткорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш “Ягона дарча” Маркази томонидан 2016 йил 8 август июн куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №DT001016-сонли гувохнома берилган. Ягона ойна маркази томонидан 2017 йил 14 август куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №DT001016-сонли гувохнома берилган. Жамият акциядорларининг 2018 йил 12 июлдаги умумий йиғилиш қарорига асосан Устав фонди 3250000,0 минг сўм этиб белгиланиб, Дўстлик туман Давлат хизматлари Марказидан 2018 йил 2 август куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олинган, Дўстлик туман Давлат хизматлари Марказидан 2019 йил 20 сентябрь куни №146-реестр тартиб рақами билан қайта руйхатга олиниб, №DT001016-сонли гувохнома берилган.

Низомга кўра «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятнинг манзили: Жиззах вилояти, Дўстлик тумани, Дўстлик шаҳри, Хамза кўчаси 1 уй, индекси 130500.

Давлат рўйхатига олинган Низомга асосан жамият фаолиятининг асосий мақсади ва вазифаси ўз акциядорларига фойда топиш ҳисобланади. Жамият фаолиятининг предмети қуйидагилар ҳисобланади:

- Пахтани қабул килиш, қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш,
- Уруғлик чигит тайёрлаш ва сотиш,
- Туманнинг қишлоқ ҳўжалик шартномалари асосида мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай корхона, ташкилот, хўжалик, деҳқон, фермер хўжаликлари ва ахолидан берилган буюртмалар қабул қилиш,
- Ишлаб чиқариш техника базасини ривожлантириш,
- Ҳар ҳил ҳалқ истемоли товарлари ва бошқа турдаги ҳом-ашё, иккиламчи табиий ресурслар саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, кенг турдаги халқ истеъмоли моллари ва товарлари ишлаб чиқариш, сотиш.
- Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, чорва, паррандачилик бўйича ёрдамчи ҳўжаликлар ташкил қилиш,
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мос келган ҳолда ташқи иқтисодий алоқа ўрнатиш, шу жумладан эскпорт – импорт операцияларини амалга ошириш,
- Барча ҳудудларда ўз ваколатхоналарни ва савдо шаҳобчаларини барпо этиш,
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилилига асосланган ҳолда жамият қошида кўшни ва МДХ давлатлари билан пахтани қайта ишлайдиган қўшма корхоналар тузиш,
- Товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш, фукароларга, корхона ва ташкилотларга иш бажариш ва ҳизмат кўрсатиш,
- Умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланиш кабилар киради.

Жамиятнинг рўйхатга олинган Уставига асосан Низом жамғармаси 3 250 000,0 минг сўм миқдорида тасдиқланган, шундан хар бирининг номинал қиймати 100 сўмдан бўлган 32479715 донаси оддий, 20285 донаси имтиёзли акциялардан иборат бўлган.

Жамиятнинг Низом жамғармаси қуйидагича тақсимланган:

- "Ўзпахтасаноат" АЖ бошқарувига берилган давлат улуши (давлат активи) - 30 312 750 дона 3 031 275 000 сўм 93,27 %
- Мехнат жамоаси улуши - 819 000 дона 81 900 000 сўм 2,52 %
- Бошқа акциядорлар улуши - 1 368 250 дона 136 825 000 сўм 4,21 %

Жами 32 500 000 дона 3 250 000 000 сўмлик 100 %

Жамиятнинг устав фонди 3 250 000,0 минг сўмга етказилган эмиссия рисоласи қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Жиззах вилояти бошқармасидан рўйхатдан ўтган.

1.3 Аудиторлик текшириш услублари

Маркур жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини юритишда *норматив-ҳуқуқий базаси бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:*

1. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг № 670-1 29.08.1998 йил. «Хўжалик юритувчи субъект ларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисидаги» қонуни.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ Қодекси».
4. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекс».
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.1999й кунги №54-сон қарори билан тасдикланган «Харажатлар таркиби тўғрисида» Низом
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 27.12.2002 й кунги №140-сон буйруғи «Молиявий ҳисоботлари тўлдириш тартиблари».
7. БХМС № 1. «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар».
8. БХМС № 2 «Асосий фаолият бўйича даромадлар».
9. БХМС № 3 «Молиявий натижалар тўғрисида»ги ҳисобот.
10. БХМС № 4 «Товар моддий захиралар».
11. БХМС № 5 «Асосий воситалар».
12. БХМС № 6 «Аренда ҳисоби».
13. БХМС № 7 «Номоддий активлар».
14. БХМС № 19 «Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш».
15. БХМС № 21 «Ҳисобвараклар режаси ва ундан фойдаланиш инструкцияси».
16. Бошка норматив-хукукий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги қонунининг 10-моддасига асосан корхона йил якуни бўйича мажбурий аудиторлик текшириш ўтказувчи корхоналар тоифасига киради.

Ушбу аудиторлик текшириш ўтказишнинг мақсади «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача даври учун тайёрланган молиявий ҳисоботларини, тақдим этилган ҳисобот ва маьлумотлар бўйича аудиторлик фаолиятни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳужжатлари, «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги» Қонуни, аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС), аудиторлик ташкилотининг ички стандартлари ва 2019 йил 10 февраль куни тузилган 18-сонли шартномага мувофиқ ўтказилди. Аудиторлик текширувидан ўтказиладиган молиявий ҳисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти рахбари жавобгар ҳисобланади. МЧЖШ «MASLAXATAUDIT-M» АТ мазкур молиявий ҳисобот бўйича билдирилган фикрлар учун маъсулдир.

Ушбу андозалар аудитни ўтказишни режалаштириш ва ташқи фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот муҳим жиҳатлар бўйича жиддий бузилишларга (5% дан ошиқ) эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади. Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун

хужжатларига, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботлар маълумотларини тақдим этилган бухгалтерия ҳисоботлари ва маълумотлари асосида тузилганлигини текшириш, тестлар ўтказиш ва молиявий ҳисобот маълумотларини таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Аудиторлик амалларини танлаш аудитор мулоҳазасининг предмети ҳисобланиб, у молиявий ҳисоботдаги муҳим бузиб кўрсатишлар бўйича рискларни баҳолашга асосланади. аудиторлик фаолияти миллий стандартларига (АФМС)га асосан аудитор муҳимликнинг энг юкори даражасини белгилашга ҳакли. Муҳимлик даражасининг ўртача даражасини 5% ва аудиторлик рискнинг даражаси 10% микдорида белгиланиши режалаштирилди. Бу кўрсаткичлар яъни муҳимлик даражаси 5% лиги. Молиявий ҳисоботнинг фарқи ҳақиқий кўрсаткичдан 5%гача фарқ қилади деб ҳисобланишини билдиради.

Текшириш натижаси тақдим этилган молиявий ҳисоботлар ва бирламчи ҳужжатларнинг таққослаш, тестдан ўтказиш ва танлов асосида текширишга асосланади.

Жамият томонидан қуйдаги молиявий ҳисоботлар тақдим этилди:

1. «Молиявий ҳисобот» нинг 1-шакл «Бухгалтерия баланси»
2. «Молиявий ҳисобот» нинг 2-шакл «Молиявий натижалар»
3. «Молиявий ҳисобот»нинг 4-шакл «Пул оқимлари тўғрисида»
4. «Молиявий ҳисобот»нинг 5-шакл «Хусусий капитал тўғрисида»
5. Солиқ ҳисоблари ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар ҳисоби бўйича маълумотлар.

Аудиторлик текшириш натижасида тузилган аудиторлик ҳисоботи асосида тузилган аудиторлик хулосасидан ташки фойдаланувчилар томонидан «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоботига таъсир қилувчи ёки таъсир қилишга ёрдам берувчи бошқа ҳолатлар йўқлигини кафолатловчи аудиторлик хулосаси сифатида шарҳ этилмаслиги керак.

II. ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

1. Ички назорат ҳолатини таҳлил қилиш.

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисоботлари аудитини режалаштириш ва ўтказиш жараёнида ички назорат тизими (ИНТ) ҳолати АФМС асосида кўриб чиқилди. ИНТ ни ташкил этиш ва унинг ҳолати бўйича жамият ижро этувчи органи жавобгар ҳисобланади.

Ички назорат тизими самарадорлиги асосий мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан баҳоланди. Бу ўз навбатида маълумотнинг тўлиқ ва аниқлиги даражаси, активларнинг сақланиши ва маблағларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлайди.

Ички назорат тизимини баҳолаш учун аудиторлар назорат муҳитини куйдагилар бўйича таҳлил қилинда ва баҳоланди:

- Бошқарувнинг асосий тамойиллари ва услуби
- «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ташкилий таркиби
- Масъулият ва ваколатларининг тақсимланиши
- Амалдаги кадрлар сиёсати
- Ички башқарув ҳисоби амалдаги тартиби, ички ҳисобот таркиби ва мазмуни, ички ҳисоботни тайёрлаш асослари
- Ички норматив ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси норматив ҳуқуқ актларига мувофиқлиги, ички меъёрлар ва қоидаларга жамият ва жавобгар шахслар томонидан амал қилиниши
- Баҳолаш сиёсати

Ички назорат тизими мослиги ва самародорлигини баҳолаш учун аудиторлар томонидан ташқи фойдаланувчилар учун жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизими таҳлил этилди ва баҳоланди.

Аудитор томонидан хўжалик таваккалчилигини минималлаштиришга, жумладан активларнинг сақланишига ва тўлай олмаслик таваккалчилиги раҳбарият амалиётини таҳлил қилинди ва баҳоланди.

Ички назорат тизими самародорлигини аниқлашда ҳуйдаги омиллар назарда тутилди:

- Маълумотлатнинг шакланишида қатнашувчи ходимлар доираси ва иш юритиш бўйича улар ўртасидаги муносаботларни тартибга келтириш ва маълумотларнинг шаклланиши.
- Ресурсларни тақсимоти бўйича қарор қабул қилувчи турли даражадаги бошқарув ходимларнинг лимит маъсулияти белгиланганлиги (борлиги).
- Жамиятда ҳужжатлар айланиши графигининг мавжудлиги.
- Назорат қилувчи техник воситаларнинг мавжудлиги.
- Комьпютер операциялари устидан назоратнинг самараси

Жамиятда мавжуд бўлган ички назорат тизими юқорида қайд этилган назоратнинг муҳим обеъктларини назарда тутади.

Ички назорат тизимини кучайтирувчи қўшимча омиллар:

- Жамият таъсисчиларини ваколати орқали назорати.

Жамиятнинг 2019 йил 28 июнь куни навбатдаги акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланган.

Ички назоратнинг ташкил қилиниши ва амалга оширилишини текшириш натижасида қуйидагилар маълум бўлди:

- 2019 йилга «Ички мехнат интизоми тартиби» ишлаб чиқилган;
- 2019 йил учун «Жамоа шартномаси» тузилган;
- 2019 йил учун штат жадваллари тузилган.
- Жамиятда 2019 йил учун «Ҳисоб сиёсати» ишлаб чиқилган.

Кирим ва чиқим алоқаларини рўйхатга олиш китоби мавжуд булиб, буйруқларни рўйхатга олиш китоби юритилган ва буйруқлар тегишли тартибда рўйхатга олиб борилган.

Бухгалтерия ҳисобини олиб бориш хизмати. «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бош бухгалтер жавобгар ҳисобланади.

Бухгалтерияда иш ҳақи ҳисоб-китоблари электрон жадваллар асосида ташкил қилинган ҳамда даромад ва харажатлар ҳисоби ҳам жадваллар кўринишида тузилган. Бухгалтерия ҳисоби журнал ордерида олиб борилиб, якуний натижалар бош китобда акс эттирилган.

1.2.Корпоратив бошқарув фаолияти тўғрисида

Жамиятда 2019 йилда акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва кузатув кенгашининг йиғилишлари бўлиб ўтган. Жумладан:

2019 йил 28 июнь кунги 2018 йил якуни бўйича ўтказилган акциядорларнинг навбатдаги 1-сонли умумий йиғилиш бўйича.

Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йигилиши кун тартиби бўйича 21 та масала киритилган бўлиб, барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинган. Жумладан: Жамият Низомининг янги тахрири тасдиқланган, 2018 йил фойдаси тақсимланган, Кузатув кенгаши аъзолари сайланган, жамиятнинг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларининг янги тахрирлари тасдиқланган, Барака пахта текс” МЧЖга таъсис сифатида киритилган 5426010,6 минг сўм маблағ тасдиқланган, Вазирлар Маҳкамасининг 18.03.2019йилдаги 230-сонли “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фалоиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Манас” ва “М.Дадажонов” ПТМларини “Сангзор-Текстил” МЧЖга 5 йил муддатда бўлиб тўлаш шарти билан сотиш тасдиқланган.

Бундан ташқари жамиятда йил давомида Кузатув кенгашининг 6 та йиғилишлари тегишли баённомалар билан расмийлаштирилган қорорлари Ижро органи томонидан бажарилган.

2. Бухгалтерия ҳисоби ҳолатини таҳлил қилиш.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгар жамият рахбари, бухгалтерия ҳисобини юритиш учун бош бухгалтер жавобгардирлар (Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни).

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши ва юритилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт (БХМС)ларига мос келиши таҳлил килинди.

Жамиятда бухгалтерия ҳисоби журнал ордер шаклида олиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297–рақам билан давлат рўйхатига олинган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги Низом»га асосан жамиятда:

- бирламчи ҳужжатлар ва ҳисоб регистрларини тузиш, ҳатоларни тузатиш, сақлаш тартиби;
- ҳужжатлар айланувини ташкил этиш тартиби ишлаб чиқилган.

Асосий ва бошқа фаолиятлардан олинган даромадлар ҳамда харажатлар БҲМСга ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ҳисобга олинган бўлиб, ҳисобварақлар бўйича аналитик ҳисобварақларда юритилган.

Жамият Давлат солиқ инспекциясига қуйидаги ҳисобот ва ҳисоб-китобларни тақдим этган: ҚҚС, фойда солиқ, мол- мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, дивидент солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва иш ҳақи фондидан ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадали.

Жамиятнинг бизнес режаси таҳлили

Жамиятнинг “Иктисодий таҳлил ва режалаштириш бўлими” томонидан жамиятнинг 2019 йил учун “Бизнес-режаси” ишланиб, кузатув кенгашининг қарори билан мақулланган ва 2019 йил 28 июнь кунги 1-сонли 2018 йил якуни бўйича навбатдаги акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланган. 2019 йил давомида нархларга ўзгартириш киритилса ушбу бизнес режадаги харажатлар ўзгариши мумкинлиги тўғрисида изох бериб ўтилган. Бизнес режани ҳақиқатдаги даромад ва ҳаражатлар билан таққосланганда куйдагича:

(минг сўмда)

№	Даромад турлари	Бизнес-Режада	Хақиқатда	Фоизда
1	Махсулот сотишдан тушум	326 389 514	215 028 620	65,9
2	Сотилган махсулот учун сарф харажатлар	302 979 653	200 512 634	66,2
	Ялпи даромад (фойда)	**23 409 861**	**14 515 986**	**62,0**
1	Асосий фаолиятни бошка даромадлари.	30 344	**0**	0,0
	Асосий фаолиятни фойдаси(зарари)	**23 440 205**	**14 515 986**	**61,9**
1	Сотиш харажатлари	332 983	714 160	214,5
2	Маъмурий харажатлар	855 961	2 082 146	243,3
3	Сотишдан ташқари операцион харажатлар	14 033 198	8 612 589	61,4
4	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	7 026 357	2 913 707	41,5
	Жами давр ва молиявий харажатлар	**22 248 499**	**14 322 602**	**64,4**
1	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	0	1 733 881	
2	Фавқулодда зарар		20 700	
3	Солиқ тўлангунга қадар фойда ёки зарар	**1 191 706**	**1 906 565**	**160,0**
4	Фойда ва инфраструктура солиғи	184 714	765 749	414,6
	Соф фойда	**1 006 992**	**1 140 816**	**113,3**

Таҳлилда кўринишича: Бизнес режага нисбатан махсулот сотишдан тушган ялпи даромад 65,9 % ни, жами харажатлар 66,2 % ни, соф фойда 113,3 % ни ташкил қилган.

2.1. Узоқ муддатли активлар

Асосий воситалар ҳисоботи.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *№5-БҲМА, №19 БХМА, «Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом», «Ишлаб чиқарилган ва сотилган махсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини шакллантириш тўғрисидаги низом», «Асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолаш тартиби тўғрисидаги Низом» ва ушбу бўлимга оид бошқа меъёрий–ҳуқуқий хужжатлар.*

Жамиятда товар моддий захиралари ҳисоби ҳар бир моддий жавобгар шахс ва ҳар бир ҳисоб варақ бўйича алоҳида аналитик ҳисобда юритилган бўлиб, моддий жавобгар шаҳслар моддий қийматликлар кирим ва чиқим бўйича ҳисоботлар тузиб бухгалтерияга топширган.

Асосий воситаларга белгиланган тартибдаги инвентар рақамлари берилган, моддий жавобгар шахсларга бириктирилган.

Жамиятнинг ҳисоботлари бўйича асосий воситаларнинг бошланғич киймати бўйича харакати 2019 йилда қуйидагича бўлган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Бошлангич (кайта тиклаш) қиймати			
		Йил бошига қолдик	Келиб тушган	Чиқиб кетган	Йил охирига қолдиқ
Бино	010	6 627 515	3 443 876	246 108	9 825 283
Иншоот	020	294 691			294 691
Узатиш мосламалари	030	855 706	29 463	19 263	865 906
Машина ва ускуналар	040	2 874 279	315 234	5 424	3 184 089
Куч машиналар ва жихозлар	041	476 429			476 429
Ишчи машина ва жиҳозлар	042	1 935 892	306 404		2 242 296
Улчов ва тартибга солувчи асб.	043	309 001			309 001
Ҳисоблаш техникаси	044	152 957	8 830	5 424	156 363
Трaснпорт воситалари	050	595 244			595 244
Асбоб ускуналар	60	216 650	254 856	2 250	469 256
Ишлаб чиқариш инвентарлари	070	39 502			39 502
Хужалик инвентарлари	080	19 199	59 860		79 059
Бошқа асосий фондлар	120	1 810 548	19 820	26 115	1 804 253
Жами асосий воситалар	**130**	**13 333 334**	**4 123 109**	**299 160**	**17 157 283**

Асосий воситаларнинг қолдиғи жамиятнинг йиллик “Молиявий ҳисобот”ида тўғри кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган коэффицентларга асосан асосий воситалар 2020 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳоланган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 9 октябрдаги 114–сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2004 йил 20 январда 1299–рақам билан давлат рўйхатига олинган 5–сонли “Асосий воситалар” бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан асосий воситалар 2 йилда камида бир марта инвентаризациядан ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Молия вазири томонидан ЭГ/17–19–2075–рақам билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1999 йил 19 октябрда 833–рақам билан давлат рўйхатига олинган 19–сонли “Инвентарлашни ташкил этиш ва ўтказиш” бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан асосий воситалар инвентаризациядан ўтказилган.

Жамиятда 2019 йилда асосий воситаларга қуйидагича амортизация ҳисобланган:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Жамғарилган эскириш			
		Йил бошига қолдиқ	Келиб тушган (ҳисоб-ланган)	Чиқиб кетган	Йил охирига қолдиқ
Бино	010	2 819 389	328 853	339 196	2809046
Иншоот	020	283 339	1 383		284 722
Узатиш мосламалари	030	745 826	29 581		775 407
Машина ва ускуналар	040	780 569	320 570	3 962	1 097 177
Куч машиналар ва жихозлар	041	225 742	28 208		253 950
Ишчи машина ва жиҳозлар	042	429 927	238 951		668 878
Улчов ва тартибга солувчи асб.	043	74 697	28 174		102 871
Ҳисоблаш техникаси	044	50 203	25 237	3 962	71 478
Траснпорт воситалари	050	506 802	34 491		541 293
Асбоб ускуналар	60	1 644	36 038	347	37 335
Ишлаб чикариш инвентарлари	070	36 274	3 228		39 502
Хўжалик инвентарлари	080	12 749	5 803		18 552
Асосий воситаларнинг бошқа турлари	120	982 711	102 672	25 445	1 059 938
Жами	**130**	**6 169 303**	**862 619**	**368 950**	**6 662 972**

Асосий воситларнинг бу эскириш қийматдаги қолдиғи жамиятнинг йиллик “Молиявий ҳисобот”ида тўғри кўрсатилган. Асосий воситларининг ва уларга ҳисобланган эскиришнинг аналитик ҳисоби юритилган.

Номоддий активлар.

Жамият ҳисоботи бўйича номоддий активлар бошланғич қиймати акс эттирилмаган 2019 йил давомида кирим чиқим бўлмаган.

Узоқ муддатли инвестициялар.

Жамият йиллик «Молиявий ҳисобот» лари бўйича узоқ муддатли инвестициялар йил бошига 2121590,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, йил охирига 6843110,0 минг сўмни ташкил этган. Жумладан: Қимматли қоғозлар “Жиззахпахтасаноат” ОАБ нинг 40495,0 минг сўмлик, “Зарбдор ПТ” АЖнинг 44153,0 минг сўмлик, “Зфаробод ПТ” АЖнинг 7946,0 минг сўмлик, Дўстлик “Агро банк”нинг 3000,0 минг сўмлик акциялари сотиб олинган бўлиб, бухгалтерия балансининг 040-сатрида 95594,0 минг сўм акс эттирилган. Шунингдек баланснинг 050-сатрида йил бошига 2018296,0 минг сўм шуьба хўжалик жамиятларига инвестициялари бухгалтерия ҳисобининг 0620-счетида ҳисоби олиб борилган бўлиб, “Мирзачўл тикувчилик мажмуаси” МЧЖга 1237647,0 минг сўм, “Жиззахпахта таъминот сервис” МЧЖга 83858,0 минг сўм, “Барака пахта текс” МЧЖга 5426011,0 минг сўм, жами 6747515,0 минг сўмлик инвестиция киритилган. Йил охирида баланснинг 030-сатрида 6843110,0 минг сўм қолдиқ акс эттирилган.

19-сонли БҲМСнинг 3.35 банди бўйича махсус ташкилотларга сақлаш учун топширилган қимматли қоғозларни инвентарлаш хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия тегишли ҳисоб варақларида қайд этилган суммалар қолдиқларини ушбу махсус ташкилотлар кўчирмалари маълумотномалари билан солиштирилади. Жамиятда қимматбаҳо қоғозлар бўйича қайд этилган солиштиришлар йиллар давомида ўтказилмаган.

2.2. Жорий активлар аудити.

Товар моддий захиралар ҳисоботи.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: *№4-БҲМА, №19-БХМА, №21-БҲМА, “Ишлаб чиқарилган ва сотилган*

маҳсулотларни ишлаб чиқариш харажатлари таркибини шакллантириш тўғрисидаги" Низом, "ТМЗлар олишда ишончномалар бериш ва расмийлаштириш тартиби" ва ушбу бўлимга оид бошқа меъёрий–хуқуқий хужжатлар.

Жамиятда товар моддий захиралар ҳисоби бўйича алохида аналитик ҳисоби юритилган бўлиб, моддий қийматликлар кирим ва чиқим бўйича ҳисоботлар тузилган. Ҳисобот бўйича йил бошига 195555022,0 минг сўм, йил охирига 159379908,0 минг сўм товар моддий захиралар қолдиғи бўлган. Жумладан: Ишлаб чиқариш захиралари 138582850,0 минг сўм, тайёр махсулотлар 20797058,0 минг сўмни ташкил қилган. Бу товар моддий бойликлари моддий жавобгар шахсларга бириктирилган.

Ишончномаларни қайд қилиниш аудити

Жамиятда ишончномалар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон буйриғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2003 йил 24 декабр санасида 1245-1 рақам билан рўйхатга олинган «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ» нинг 2- Иловасида кўрсатилган шаклда олиб борилган.

Жамиятда 2019 йил давомида ишонч қоғозларни бериш учун алохида китоб юритилган, китоб шнурланиб рақамланган ва жамият юмолоқ мухри билан тасдиқланган. Китобда тартиб рақами бўйича 217 дона ишонч қоғозлари берилган. Шундан 43 дона ишонч қоғозлари ишлатилмасдан бекор қилинган. 174 дона ишонч қоғозлар ишлатилиб, ҳисоботи топширилган. Эскидан 1 дона, яъни 06.10.2018 йил "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси"дан ТМЗ (палатка, кароват) олиш учун Ш.Нормаматов номига берилган 244-сонли ишонч қоғози ишлатиш муддати ўтиб кетган бўлсада ёпилмасдан қолган.

Дебитор қарзлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб–китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–1154–сонли фармонига асосан дебитор ва кредитор қарзлар текширишдан ўтказилди.

Йиллик «Молиявий ҳисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» 2018 йил 31 декабр ҳолатига 10626064,0 минг сўм дебитор қарзлари мавжуд. Шундан муддати ўткан дебиторлик қарздорликлар ҳисобот бўйича мавжуд эмас.

Жамиятда активларнинг иш фаолиги дебитор қарзларнинг айланиш коэффиценти билан характерланади у куйидаги формула билан аниқланади:

Коб.Д.З = Соф тушум : Ўртача дебиторлик қарзлар
Дебитор казларининг ўртача қайтиш даври
***Ўртача қайтиш даври=365:* Коб.Д.З**

215 028 620,0 / 24 568 243 = 8,75 365 / 8,75 = 42

Жамиятнинг Коб.Д.З. = 8,75 дебиторлик қарзлари қайтишининг ўртача даври 42 кунни ташкил қилади.

Йиллик «Молиявий ҳисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» 2019 йил 31 декабр ҳолатига дебитор қарзлар қуйидагича кўрсатилган:

(минг сўмда)

№	Қарздорликлар тури	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Фарқи (+;-)	% да
1	Дебитор қарздорликлар жами: шундан	**10 626 064**	**38 510 421**	**-27 884 357**	**362,4**
2	Шуьба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи	606 379	1 759 123	-1 152 744	290,1
3	Ходимларга берилган бўнаклар	35 514	24 099	11 415	67,9
4	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	143 388	181 706	-38 318	126,7

5	Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари	459 316	24 696 264	-24 236 948	5376,7
6	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнаклар	0	-	0	0,0
7	Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзлари	8 170 771	9 788 216	-1 617 445	119,8
8	Бошқа дебиторлик қарзлар	1 210 696	2 061 013	-850 317	170,2

Изоҳ: Жадвалда жамиятнинг ҳисобот охирига кўрсатилган дебиторлик қарздорликлар фоиз кўринишида хам акс эттирилди.

Жадвалдан кўриниб турибдики, жамиятнинг мавжуд 38510421,0 минг сўмлик дебитор қарзлардан асосий қисмини шуъба ва қарам ҳўжалик жамиятларининг қарзи ҳамда бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари ташкил этади. Жамиятнинг дебиторлик қарздорлиги ўтган йилга нисбатан (38510421,0-10626064,0)= 27884357,0 минг сўмга ошганлиги аниқланди.

Тавсия: Дебиторлик қарздорликларнинг йилдан йилга ошиб боришига йўл қўймаслик, қарздорликни ўндириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, баланснинг сатрларига бошланғич ҳисоботларидаги суммаларни тўғри акс эттириш.

Ҳисоб рақамлари таҳлили.

Аудиторлик текшириш ўз қамровига олган даврда жамиятнинг АТБ "Агро банк"нинг Дўстлик филиалида (МФО 00129) 2021 0000 2003 9395 2001 сонли асосий ҳисоб рақамини ва бошқа махсус ҳисоб рақамлари очилган бўлиб, банк операцияларини шу ҳисоб рақамлари орқали амалга оширган.

Жамиятнинг барча ҳисоб рақамларидаги пул маблағларининг келиб тушиши ва чиқим қилиниши контрактлар, шартномалар, ҳисоб варақ-фактуралар ва тўлов учун асос бўлувчи ҳужжатларга асосан амалга оширилган

Йил бошига 688 278,0 минг сўм пул маблағлари қолдиғи мавжуд бўлиб, жорий йилда маҳсулот (иш ва хизмат)ларни сотишдан тушум 38 654 033,0 минг сўм пул маблағлари кирим килинган.

Киримга олинган маблағлар қуйдагича сарфланган:

- материал,товар иш хизматлар учун мол етказиб берувчиларга 513 291,0 мингсўм
- ходимлар ва улар номидан тўланган пул маблағлари 6 403 551,0 минг сўм
- операцион фаолиятнинг бошқа пулли тўловлари 6 670 335,0 минг сўм
- фойда солиғи учун 117 110,0 минг сўм
- бошқа солиқлар ва йиғимлар учун 18 638 024,0 минг сўм

жами 39 342 311,0 минг сўм

Йил охирига ҳисоб рақамида 372 261,0 минг сўм пул маблағларидан қолдиқ қолган. Бу қолдиқ йиллик «Молиявий ҳисобот»да тўғри кўрсатилган.

Касса ҳисоботи.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *"Ўз.Р МБнинг15.05.2015й. 12/17"Юридик шахсларнинг касса операцияларини юритиш қоидаси"га (Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 22.06..2015 йилда №2687 ракам билан руйхатга олинган),№15- ва №22- БХМСлардир.*

Жамиятда нақд пулларни сақлаш, кирим ва чиқим қилиш учун касса мавжуд. Кассани текшириш юқоридаги меъёрий жужжатлар асосида амалга оширилди.

Жамиятнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига касса ҳисоботи бўйича нақд пул маблағларидан қолдиқ бўлмаган. Жорий йилда банкдан 3021672,0 минг сўм, маҳсулот сотишдан 322657,8 минг сўм, ижара тўловидан 1000,0 минг сўм, камамамод тўловидан 3121,3 минг сўм, жами 3052027,5 минг сўм нақд пул маблағлари киримга олинган. Шундан 3135238,4 минг сўм иш хақи учун, хизмат сафари харажатлдарига 16050,0 минг сўм, обуна учун 12500,0 минг сўм, тадтирларни ўтказишга 61211,3 минг сўм тарқатилган, 123451,4 минг сўм банкга топширилган, жами 3348451,2 минг сўм нақд пул маблағлари чиқим қилинган. 31.12.2019 йилга кассада нақд пул маблағларидан қолдиқ қолмаган.

Активларнинг сақланишининг таъминланганлиги текшириш натижалари.

Активларнинг сақланишини текшириш меёрий базаси бўлиб, куйидагилар ҳисобланади: «*Инвентарлашни ўтказиш ва уни ташкил этиш тўғрисида»ги №19 БХМС, ҳисоб сиёсати ва бошка меъёрий хужжатлар*

Аудит ўтказиш бўйича шартнома ва аудит дастурида аудиторнинг инвентаризация утказишда иштироки кўзда тутилмаганлиги учун аудитор активларнинг хақиқий мавжудлиги ва сақланиши ҳолати бўйича фикр билдирмайди. Активларнинг сақланишини текшириш маъмурият томонидан ўтказилган инвентарлаш натижаларига асосланилди.

Кузатилди:

Жамият Молиявий ҳисоботни тузишдан олдин №19-сонли БХМСга асосан инвентаризация 23.07.2019 йилда жамиятнинг №86-и/ч-сонли буйруғига асосан барча турдаги асосий воситалар хамда ТМБ лар инвентаризациядан ўтказилган. Инвентаризация бўйича саноқ комиссия аъзолари томонидан далолатномалар расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисоботлари билан таққослаш қайдномалари тузилган таҳлил этилган. Инвентаризация натижасижа қуйидагилардан камомадлар аниқланган:

Т/Р	Моддий жавобгар шахс И.Ш	Вазифаси	Аниқланган камомад		
			Улчов бирлиги	Миқдори	Суммаси
1	Нормаматов Ш.	Марказий омбор мудири			2 207 336,0
2	Давронов Ж	Қурилиш бўлими			272 593,0
3	Аъзимова З	Хўжалик бўлими			295 000,0
4	Шерназаров Ф	бош нурчи			408 066,0
5	Қурбонқулов Б	Механик			520 000,0
6	Ҳайдаров З	ККПҚҚМ 3-зона таворшуноси			268 029,0
7	Турдиметов М	Манас 3-зона таворшуноси			1 693 435,0
8	Гургибоев Н	Иржар 3-зона таворшуноси			4 074 318,0
9	Дадаев В	КХПҚҚМ 2-зона таворшуноси	тн.	1 268,0	1 635 254,0
10	Тоғаев Х	Иржар 2-зона таворшуноси	тн.	1 271,1	1 690 586,0
11	Уташев А	Пахтазор 2-зона таворшуноси	тн.	825,9	1 384 147,0
	Жами:				**14 448 764,0**

Аниқланган 14 448 764,0 минг сўмлик камомаднинг бир қисми ундирилган, камомадлар юзасидан суд-тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

2.3. Ўз маблағлари манбалари аудити.

Устав жамғармаси аудити

Жамиятнинг 2019 йил 31 декабр ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси» нинг 410 сатрида, ҳисоб китоби бухгалтерия ҳисобининг 8300 счетда олиб борилган бўлиб, йил бошида 3 250 000,0 минг сўм устав капитали бўлган, Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича навбатдаги умумий йигилишида эски йилларнинг соф фойдасини капитализация қилишга йўналтирилиб устав фондини 3 250 000,0 минг сўмга кўпайтиришга қарор қилинган ва Жамият Устави Дўстлик туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиткорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш "Ягона дарча" Маркази томонидан 2017 йил 5 октябрда №46575-реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган. Йил охирида устав фонди 3 250 000,0 минг сўм бўлган.

Резерв капитали аудити

Жамиятнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси» нинг 430 сатрида, ҳисоб китоби бухгалтерия ҳисобининг 8500 счетида олиб борилган бўлиб, йил бошида 1442183,0 минг сўм, йил охирида 1442183,0 минг сўм резерв капитали акс эттирилган. Жорий йилда резерв фондига ўзгартириш киритилмаган.

Тақсимланмаган фойда (зарар) аудити

Жамиятнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси» нинг 450 сатрида, ҳисоб китоби бухгалтерия ҳисобининг 8700 счетида олиб борилган бўлиб, тақсимланмаган фойда (зарар) йил бошида 2632261,0 минг сўм соф фойда акс эттирилган. Жорий йилда жамият 1161516,0 минг сўм соф фойда билан йилни якунлаган. Йил охирида 3793777,0 минг сўмни ташкил этган.

2.4. Мажбуриятлар аудити.

Узоқ муддатли мажбуриятлар аудити

Жамиятнинг «Бухгалтерия баланси» ҳисоботи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари йил бошига 2760350,0 минг сўмни йил охирига 10032902,0 минг сўмни ташкил этган. Жумладан, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбурият 10032902,0,0 минг сўм.

Жорий мажбуриятлар аудити.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги "Халқ хўжалигида ҳисоб–китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора–тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–1154–сонли фармонига асосан дебитор ва кредитор қарзлар текширишдан ўтказилди.

Йиллик «Молиявий ҳисобот»нинг 1–шакли «Бухгалтерия баланси» 2019 йил 31 декабр ҳолатига жорий кредитор қарзлар қуйидагича кўрсатилган:

(минг сўм)

№	Қарздорликлар тури	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Фарқи (+;-)	% да
1	**Кредитор қарздорликлар жами:** шундан	**197 009 094**	**207 754 148**	**-10 745 054**	**105,5**
2	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга қарзи	471 079	13 153 233	-12 682 154	2792,2
3	Шуъба ва қарам хўжаликларига қарз	178 381 772	179 274 428	-892 656	100,5
4	Таъсисчиларга бўлган қарз	735 460	735 460	0	100,0
5	Бюджет тўловлари бўйича қарзлар	4 484 000	1 126 821	3 357 179	25,1
6	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар	5 767 810	1 842 112	3 925 698	31,9
7	Мехнатга хак тўлаш бўйича қарзлар	888 993	939 721	-50 728	105,7
8	Бошқа кредиторлик қарзлар	6 279 980	10 682 373	-4 402 393	170,1

Жадвалдан кўриниб турибдики, жамиятнинг кредиторлик қарздорликларнинг асосий қисми шўъба ва қарам хўжаликларига қарзни ташкил этиб, кредиторлик қарздорликлар ўтган ҳисобот йилига нисбатан (207754148,0-197009094,0)= 10745054,0 минг сўмга кўпайган.

Тавсия: Кредиторлик қарздорликларни ўз вақтида тўлаб беришни йўлга қўйиш.

Жамиятда иш ҳақининг ҳисобланиши бўйича таҳлил.

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; Ўзбакистон Республикаси"Мехнат Кодекси",11.03.1997йилдаги № 133 сонли Вазирлар Махкамаси Қарори билан тасдикланган "Ўртача ойлик иш хақи ҳисоблаш тартиби", 06.04.2004 й №1333 сон билан Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатга олинган "Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадалига мажбурий ушланмаларни ҳисоблаш тартиби тўғрисида"ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Махкамасининг 1999 йил 17 ноябрдаги 504-сонли «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар рахбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқалар.

Жамиятда 2019 йил 1 январ ҳолатига иш ҳақидан 96592,0 минг сўм дебиторлик қарздорлик, 888993,0 минг сўм кредиторлик қарздорликлари бўлган, йил давомида 10560838,0 минг сўм иш хақи ва унга тенглаштирилган иш ҳақи ҳисобланиб, иш ҳақидан 10642834,0 минг сўм ушланма ва ўтказмалар чегирилиб, 2019 йил 31 декабрь ҳолатига иш ҳақи бўйича 24014,0 минг сўм дебиторлик, 827367,0 минг сўм кредиторлик қарздорлиги қолган.

2.5.Даромад ва харажатлар ҳисоби аудити.

Жамиятнинг 2019 йил молиявий ҳисоботининг 2-сонли шакл “Молиявий натижалар” тўғрисидаги ҳисоботи куйидагича бўлган:

(минг сўмда)

Курсаткичлар номи. Наименование показателя.	Сатр рақами	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобат даврида.	
		Даромадлар (фойда).	Харажатлар (зарар).	Даромадлар (фойда).	Харажатлар (зарар).
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум.	010	125486952		215028620	
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни таннархи.	020		111345771		200512634
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишни ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020).	030	**14141181**		**14515986**	
Давр харажатлари, ЖАМИ (050+060+070+080).	040		**11171239**		**11408895**
Сотиш харажатлари.	050		658196		714160
Маъмурий харажатлар.	060		1201558		2082146
Бошка операцион харажатлар.	070		9311485		8612589
Асосий фаолиятни бошка даромадлари.	090				
Асосий фаолиятни фойдаси (зарари) (030-040+090).	100	**2969942**		**3107091**	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, ЖАМИ (120+130+140+150+ 160),шу жумладан:	110	**441206**		**1733881**	
Дивидентлар шаклидаги даромадлар.	120				
Фоизлар шаклидаги даромадлар.	130	10523			
Молиявий фоалиятнинг бошқа даромадлари	160	430683		1733881	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (180+190+200+210),	170		**1765607**		**2913707**
Фоизлар шаклидаги харажатлар.	180		1765607		2913707
Валюта курси фарқидаги зарарлар	200				
Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар.	210				
Умумхужалик фаолиятини фойдаси (зарари) (100+110-170).	220	**1645541**		**1927265**	
Фавқулотдда фойда ва зарарлар	230				***20700***
Даромад (фойда) солиғини тўлагунга кадар фойда (зарар) (220+/-230)	240	**1645541**		**1906565**	
Даромад (фойда) солиғи	250		640427		765749
Фойдадан бошқа соликлар ва йиғимлар	260				
Ҳисобот даврини соф фойдаси (зарари) (240-250-260)	270	**1005114**		**1140816**	

Ушбу молиявий натижалар ҳисоботи бош китоб ва бирламчи бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

(минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот сатри	2018 йилда	2019 йилда	Ўсиш суратлари %
1	Реализация ҳажми	010	125486952	215028620	171,4
2	Сотилган махсулот таннархи	020	111345771	200512634	180,1
3	Давр харажати	040	11171239	11408895	102,1
4	Асосий фаолиянинг фойдаси	100	2969942	3107091	104,6
5	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	110	441206	1733881	393,0
6	Молиявий фаолиятнинг харажатлари	170	1765607	2913707	165,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, реализация 171 % га кўпайган. Сотилган маҳсулотнинг таннархи 180 % га фоизга кўпайган. Шунинг ҳисобига 2019 йилги соф фойда 156402,0 минг сўмга кўпайган.

Жамият бош ҳисобчисига бухгалетрия ҳисоби миллий стандартларига асосан молиявий ҳисоботларини тўғри расмийлаштириш ҳамда Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 5 феврал кунги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматла)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»га асосан харажатларни тўғри классификациялаш, тавсия этилади.

3. Бюджетга солиқлар ва тўловлар бўйича ҳисоблашишлар аудити.

Акциядорлик жамияти 2018 йилда умумий солиқ тўловчиси бўлиб ҳисобланган.

Ушбу солиқлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши ҳамда улар бўйича тузилган ҳисоб (рачсёт)ларнинг Ўзбекистон Республикаси "Солиқ кодекси"да (янги таҳрирдаги) белгиланган муддатда Дўстлик туман Давлат солиқ инспекциясига топширилиши таҳлил қилинди.

Жамият барча ҳисобларни ўз муддатида туман ДСИга топширган бўлиб, ДСИ билан Жамият ўртасида ўзаро қарздорликни аниқлаш учун таққослаш далолатномасини тузган.

Ҳисобланган солиқ ва тўловларнинг ҳисобланиши таҳлил қилинганда қуйидагилар аниқланди:

Даромад (фойда) солиғи

(минг сўмда)

т\р	Ёзув мазмуни	Жамиятнинг ҳисоби бўйича	Аудит ҳисоби бўйича	Фарқи (- +)
1	Солиқ тўлангунга кадар фойдаси	1927264	1927264	0
2	Фойда солиғи ҳисоблашда қайта қўшиладиган ҳаражатлар	4453973	4453973	0
3	Солиқ солинадиган база	6381237	6381237	0
4	Ставка %	12	12	0
5	Даромад (фойда)солиқ ҳисобланди	765748,4	765748,4	0

Қўшилган қиймат солиғи

(минг сўмда)

т\р	Ёзув мазмуни	Жамиятнинг ҳисоби бўйича	Аудит ҳисоби бўйича	Фарқи (- +)
1	Махсулот (товар,иш ва ҳизмат)ларни сотишдан тушумлар	216491161,4	216491161,4	0

2	Экспортга чиқарилган товарлар	7731294,10	7731294,10	0
3	0% ставка билан солиқ солин. тушум	22797027,4	22797027,4	0
3	Солиқ солинмайдиган тушум	7731294,1	7731294,1	0
4	Солиқ солинадиган база	185962840,0	185962840,0	0
5	Ставка %	20	20	0
6	Ҳисобланган ҚҚС	36531787,9	21539451,4	0
7	Чегирилган маблағ (зачёт)	21539451,4	36531787,9	0
8	ҚҚС бюджетга тўловга ҳисобланди	14992336,5	14992336,5	0

Мол–мулк солиғи **Дўстлик тумани бўйича**

(минг сўмда)

т\р	Ёзув мазмуни	Жамиятнинг ҳисоби бўйича	Аудит ҳисоби бўйича	Фарқи (- +)
1	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	2801411,7	2801411,7	0
2	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0	0	0
3	Солиқ солинадиган база	2801411,7	2801411,7	0
4	Ставка %	2	2	
5	Мол мулк солиқ ҳисобланди	56028,2	56028,2	0

Мол–мулк солиғи **Мирзачул тумани бўйича**

(минг сўмда)

т\р	Ёзув мазмуни	Жамиятнинг ҳисоби бўйича	Аудит ҳисоби бўйича	Фарқи (- +)
1	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	714337,2	714337,2	0
2	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0	0	0
3	Солиқ солинадиган база	714337,2	714337,2	0
4	Ставка %	2	2	
5	Мол мулк солиқ ҳисобланди	14286,7	14286,7	0

Мол–мулк солиғи **Пахтакор тумани бўйича**

(минг сўмда)

т\р	Ёзув мазмуни	Жамиятнинг ҳисоби бўйича	Аудит ҳисоби бўйича	Фарқи (- +)
1	Асосий воситаларнинг ўртача қиймати	1037837,1	1037837,1	0
2	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	0	0	0
3	Солиқ солинадиган база	1037837,1	1037837,1	0
4	Ставка %	2	2	
5	Мол мулк солиқ ҳисобланди	20756,7	20756,7	0

Ишчи ва хизматчилар иш ҳақидан ундириладиган даромад солиғи бўйича

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 167-188 моддалари.*

Даромад солиғи ходимлардан йил давомида ўсиб борувчи йиғиндиси бўйича ҳисоб китоб қилинган бўлиб, компютер праграммасида ҳисоблаб борилган ва ҳар ойда танлов асосида ҳисобчилар томонидан текшириб борилган.

Жамиятда 2018 йил ишчи ва хизматчиларга 10236655,3 минг сўм иш ҳақи фонди ҳисобланган, ушбу ҳисобланган иш ҳақи тарзидаги даромадларга 1228398,6 минг сўм даромад солиқ ҳисобланган.

Ягона ижтимоий тўлов бўйича

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 305-315 моддалари,, ЎзР АВ томонидан 13.04.2010й.да №2095-сон билан руйхатга олинган "Ягона ижтимоий тўловнинг*

базавий размери ҳисобга олган холда ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги" Низом.

Жамиятда 2019 йилда иш хақи фондининг солиқ солиш базаси 10236655,3 минг сўм бўлиб, шундан ягона ижтимоий тўловга 25 % ставкада 2559163,3 минг сўм ажратма ҳисобланган.

(минг сўмда)

Кўрсаткичлари	Жамият ҳисоботи бўйича	Аудит ҳисоботи бўйича	Фарқи (-,+)
1. Иш хақи фонди	10236655,3	10236655,3	0
2. Солиққа тортилмайдиган тўловлар	0	0	0
3. Солиққа тортиладиган база	10236655,3	10236655,3	0
4. Ажратма ставкаси, 25,0 %	2559163,3	2559163,3	0

Юқоридаги солиқ тўлови ва мақсадли давлат жамғармаларига ажратмалар ҳисобланиши юзасидан қайта текширилгандада фарқ аниқланмади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 257-264моддалари.*

Мирзачўл ДСИга топширган ҳисоб-китоби бўйича 2019 йил давомида 301500 куб.М учун 1 куб.м 430 сўм ставкада 129645,0 минг сўм ва Дўстлик ДСИга топширган ҳисоб-китоби бўйича 13000 куб.М учун 1 куб.м 430 сўм ставкада 5590,0 минг сўм сув солиғи ҳисоблаган.

Қайта ҳисоб китоб қилинганда фарқ аниқланмади.

Ер солиғи

Бухгалтерия ҳисобининг мазкур бўлими бўйича меъёрий база бўлиб қуйидагилар ҳисобланади; *Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 278-286 моддалари.*

Жамиятнинг ҳисобида ер солиғи Дўстлик тумани ДСИга топширилган ҳисоботи бўйича жорий йилдаги жамиятга қарашли 55,87 га ер майдонига хар бир 1 га ер майдонга 14312,488 минг сўм ставкада 795588,2 минг сўм ер солиғи ҳисобланган. Қайта ҳисоб китоб қилинганда фарқ аниқланмади.

Жамиятнинг ҳисобида ер солиғи Мирзачул тумани ДСИга топширилган ҳисоботи бўйича жорий йилдаги жамиятга қарашли 28,56 га ер майдонига хар бир 1 га ер майдонга 14312,488 минг сўмдан ставкада 408804,7 минг сўм ер солиғи ҳисобланган. Қайта ҳисоб китоб қилинганда фарқ аниқланмади.

Жамиятнинг ҳисобида ер солиғи Пахтакор тумани ДСИга топширилган ҳисоботи бўйича жорий йилдаги жамиятга қарашли 7,4718 га ер майдонига хар бир 1 га ер майдонга 7638,2 минг сўм ставкада 57071,3 минг сўм ер солиғи ҳисобланган. Қайта ҳисоб китоб қилинганда фарқ аниқланмади.

4. Меъёрий хужжатлар ва конунчилик талабларига риоя этилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда хужалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1996 йил 9 августдаги 1504-сонли фармони талабларини бажарилиши таҳлил этилганда жамият томонидан Ўзбекистон Республикаси ичида бартер муомулаларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги «Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техник таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-10-сонли қарорини ижроси бўйича текширилган даврларда жамият томонидан ишчи ва хизматчиларга иш хақи ҳисобланган ва жамғариб бориладиган пенсия ажратмаси ҳисобланиб борилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор ижроси бўйича текширилганда жамият томонидан электр энергиядан фойдаланганлиги учун туман электр тармоклари жамият ўртасида электр энергиядан фойдаланиш учун шартнома тузилган ва электр энергиядан қарздорлиги мавжуд эмас.

«Молиявий ҳисобот»ни таҳлил қилиш

2019 йил учун тузилган ва туман Давлат солиқ инспекциясига тақдим қилинган «Молиявий ҳисобот»ининг 1-шакл «Бухгалтерия баланси» маълумотлари куйидагича:

(минг сўмда)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига
Баланснинг АКТИВ қисми			
Асосий воситалар бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	13333334	17157283
Эскириш суммаси (0200)	011	6169302	66662972
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010–011)	012	7164032	10494311
Узоқ муддатли инвестициялар, жами	030	**2121590**	**6843110**
Қимматли қоғозлар (0610)	040	103294	95594
Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	2018269	6747515
Узоқ муддатли дебиторлик қарзлар (0910,0920,0930,0940)	110	650197	640097
I бўлим бўйича жами	**130**	**9935819**	**17977517**
Товар моддий захиралари, шу жумладан	140	**195555022**	**159379908**
Ишлаб чиқариш заҳиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	146287015	138582850
Тайёр маҳсулот (2800)	170	49268007	20797058
Товарлар (2900 дан 2980 айирмаси)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100)	190		
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200		
Дебиторлар жами	210	**10626064**	**38510422**
Харидор ва буюртмачилар қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси)	220		
Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзлари (4120)	240	606379	1759123
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	35514	24099
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	143388	181706
Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270	459316	24696264
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича бўнаклар (4500)	280		
Ходимларнинг бошка операциялар бўйича қарзлари (4700)	300	8170771	9788216
Бошқа дебиторлик қарзлар (4800)	310	1210696	2061013
Пул маблағлари жами	320	**688278**	**372261**
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330		
Ҳисоб–китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500,5600,5700)	360	688278	372261
Бошқа жорий активлари (5900)	380		
II бўлим бўйича жами	**390**	**206869364**	**198262591**
Баланс АКТИВи бўйича жами (сатр. 130+390)	***400***	***216805183***	***216240108***
Баланснинг ПАССИВ қисми			
Устав капитали (8300)	410	3250000	3250000
Қўшилган капитал (8400)	420		
Резерв капитали (8500)	430	1442183	1442183
Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	2632261	3793777
Мақсадли тушамлар (8800)	460		
Келгуси харажатлар ва тўловлар захиралари (8900)	470		
I бўлим бўйича жами	**480**	**7324444**	**8485960**

Узоқ муддатли мажбуриятлар	490	**10032902**	
Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар (7240)	540	10032902	
Жорий мажбуриятлар жами	600	**199447837**	**207754148**
Шу жумладан жорий кредитор қарзлар	601	179009094	207754148
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	471079	13153233
Шуъба ва карам хўжалик жамиятларидан қарзлар (6120)	630	178381772	179274428
Олинган бўнаклар (6300)	670		
Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)	680	4484000	1126821
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690		
Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)	700	5767810	1842112
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	735460	735460
Мехнатга хақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	888993	939721
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	2438743	
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	6279980	10682373
II бўлим бўйича жами	**770**	**209480739**	**207754148**
Баланс ПАССИВи бўйича жами (сатр. 480+770)	***780***	***216805183***	***216240108***

5.Кадрлар бўлими фаолияти.

Жамиятда ишчи ходимлари учун ҳафтасига 7 иш куни қилиб белгиланган бўлиб, хар ойнинг охирида ишчи ходимларга табеллар тўлдирилиб, иш соати қонунчиликда белгиланган талаблар асосида расмийлаштирилган. Жамиятнинг 2019 йил охирида ўртача ишчи ва хизматчилар сони 571 ташкил этган. Жорий йилда 72 нафар ишчи ва хизматчилар ишга қабул қилинган, 97 нафар ходимлар билан аризаларига асосан мехнат шартномаси бекор қилинган. Шундай қилиб, жорий йилда иш қўнимсизлиги 18 % ни ташкил этган. Жамиятда штатлар жадвали тузилиб тасдиқланган.

6. Жамият иш самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар бериш учун молиявий таҳлили.

Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича тузилган ва аудитга тақдим этилган молиявий ҳисоботига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сон қарорига 2-иловаси "Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш" **РЕГЛАМЕНТИ** бўйича асосий кўрсаткичлари йил якунида куйидагиларни ташкил этади;

Таҳлил учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар (мезонлар) қўлланилади:

а) тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффициенти - $Т_{кк}$;
б) ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти - $Ў_{ак}$;
в) активларнинг ва харажатларнинг рентабеллилик коэффициенти - $А_{рк}$, $Х_{рк}$.

Шунингдек, қуйидаги қўшимча кўрсаткичлар ҳам қўлланилиши мумкин:

ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти - $Ў_{кк}$;
ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффициенти - $К_{фк}$;
асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти - $А_{вэк}$.

Тўлаш муддати келган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ муддат ўтган пулли мажбуриятлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган кредиторлик қарзлари қонун ҳужжатлари ёки шартномаларга мувофиқ мажбурий тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятлар ва кредиторларнинг пулли мажбуриятлар бўйича талабларини амалга ошириш юзага келган вақтдан бошлаб корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш учун маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида белгиланади.

1. Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффициенти корхонанинг нафақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай шароитда сотиш шарти билан, балки бошқа моддий жорий (айланма) маблағлар элементлари шароитида баҳоланувчи қисқа муддатли мажбуриятларни тўлаш имкониятларига эгалигини кўрсатади. Коэффициентнинг камайиши корхона тўлов имкониятларининг пасайганлигини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Ткк= А2: (П2- Умм)

$А_2$ — жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва бошқалар), баланс активининг II бўлим, 390-сатри;

$П_2$ — мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлим, 770-сатри;

$У_{мм}$ — узоқ муддатли мажбуриятлар, баланс пассивининг II бўлим, 490 сатри.

Агар тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот даврининг якунига келиб 1,25 қийматидан паст бўлса, шу кўрсаткич бўйича корхона тўловга қодир эмас, деб ҳисобланади.

2. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти молиявий барқарорлик, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларига мос келиши учун зарур бўлган корхонанинг ўз айланма маблағлари мавжудлигидан далолат беради.
Коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Кўз =(П1 + Узоқ.м.з - А1) : А2

А1 — узоқ муддатли активлар (асосий маблағлар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар) баланс активининг I бўлим, 130-сатри;

П1 — ўз маблағларининг манбалари (устав капитали, захира капитали, қўшимча капитал, тақсимланмаган фойда ва бошқалар) баланс пассивининг I бўлим, 480-сатри;

Узмз — узоқ муддатли активларни шакллантиришга йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрлари бўйича ҳисоблаб чиқарилади).

Ушбу каср сурати корхона ўз маблағлари суммасининг қанча қисми айланма маблағларга йўналтирилгани, махражи — барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати — 0,2.

Агар ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда корхона ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган саналади.

3. Харажатлар ва активларнинг рентабеллик коэффициенти корхонанинг молия-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Харажатлар рентабеллиги коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Хрк= Стф:Х, бунда

$С_{тф}$ — фойда солиғини тўлагунга қадар фойда, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклнинг 240-сатр 5-устуни ёки фойда солиғини тўлагунга қадар зарар, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклнинг 240-сатр 6-устуни «—» белгиси билан;

Х — жами харажатлар, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклдан сатрлар (020 «6-устун» + 040 «6-устун» + 170 «6-устун» + 230 «6-устун») йиғиндиси;

Активлар рентабеллиги коэффициенти фақат йил якунларига кўра қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Акк= Стф: Уб, бунда

Ўб — баланснинг жами активи ёки пассивининг ўртача қиймати бўлиб, ўртача арифметик ёки ўртача хронологик формула бўйича ҳисобланган.

Агар ҳисобот даври учун рентабеллик коэффициентлари:

нолдан паст (манфий кўрсаткич) чиқса, корхона зарар кўриб ишлаётган;

0,05 дан паст чиқса, корхона паст рентабелли (монопол корхоналардан ташқари) ҳисобланади.

4. Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти (жорий молиявий мустақилликда) қарз маблағларини ўз манбалари орқали қайтариш билан таъминланганлик даражасини белгилайди.

Коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

Ўкк = П1 : (П2-Умм)

Агар ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффициенти ҳисобот даври якунида 1 дан паст қийматга эга бўлса, бу ҳол корхонада молиявий таваккалчилик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Коэффициентнинг пасайиб бориши корхона молиявий таваккалчилигининг ошиб боришини кўрсатади.

5. Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти асосий фонднинг давр учун эскириш улушини билдирувчи кўрсаткич бўлиб, асосий воситаларнинг бошланғич нархига нисбатан эскириш қиймати асосида аниқланади:

Кизн = Э : А

Э — асосий воситаларнинг эскириши — баланс активининг 011-сатри,

А — асосий воситаларнинг дастлабки қиймати — баланс активининг 010-сатри.

Агар асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти кўрилаётган давр охирида 0,5 қийматидан ошса, корхонанинг асосий воситалари сезиларли даражада эскирган ҳисобланади.

6. Автоном коэфициенти

Кав.= П1 : Жами актив

Барқарор корхоналар учун 60% дан ошиқ меъёр ҳисобланади

«Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил молиявий ҳисоботи таҳлили натижаси қуйидагича

Т.р	*Номи*	*Ул. бир*	*Ҳисобот йилида*	*Меъёр бўйича*	*Изоҳ*
1	Қоплаш коэфициенти тўлов қобилияти	-	0,95	>2, бўлса барқарор 1<x<2 булса тавакқал <1 нобарқарор	нобарқарор
2	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэфициенти	-	-0,05	>0,2	нобарқарор
3	Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти		0,009	>0,05	паст
4	Активларнинг рентабеллик коэффициенти		0,009	>0,05	паст
5	Жорий молиявий мустақиллик коэффициенти:		0,05	>1	нобарқарор
6	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти		0,40	>0,5	эскирмаган
7	Автоном коэффициенти	%	4,00	>60% барқарор 30%<x%<60% бўлса тавакқал 30% нобарқарор	нобарқарор
8	Тақсимланмаган фойда	минг сўм	3793777		

“Молиявий ҳисобот” маълумотлари бўйича таҳлил натижасига кўра маркур хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 31 декабрь ҳолатига ўз маблағлари билан таъминланмаган, асосий воситалари нисбатан эскирмаган, паст самарадорлик билан фаолият кўрсатувчи, жорий молиявий мустаҳкамлик коэффициенти, тўлов қобилияти коэффициенти меъёрдан паст нобарқарор корхона ҳисобланади.

7. Мухимлик ва аудиторлик хатарини бахолаш

№ 9-сонли «Муҳимлик ва аудиторлик риск» АФМС бўйича аудитор мустакил мухимлик даражасини аниклаши мумкин.

Жиддийлик (мухимлик) даражаси деганда молиявий ҳисоботдаги хатонинг ушбу хисоботдан малакали фойдаланувчи унга асосан тўғри хулосалар чиқариши ва тўғри карорлар қабул қилишига монелик қилувчи чегараси тушинилади. Шунга кўра мухимликнинг 5%дан ошиги муҳим, 5% дан ками муҳим эмас деб хисобланади.

	Параметр	Суммаси, минг сўмда	Мухимлик даражаси, % да	Мухимлик даражаси, минг сўмда
1	Балансдаги мул маблағлари	372 161	5	18 608
2	Соф тушум	215 028 620	2	4 300 572
3	Ўз маблағлари	8 485 960	5	424 298

(18608+4300572+424298) / 3 = 1581159,0

Мухимлик даражаси 31.12.2019 йил холатига 1581159,0 минг сўм деб хисобланади. №9-сонли “Муҳимлик ва аудиторлик риск” АФМС бўйича жамиятнинг мухимлик даражаси 1581159,0 минг сўмгача деб хисобланади.

III. АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ.

Аудиторлик хулосадан ташқи фойдаланувчилар учун ушбу субеъктда мухимликнинг чегараси 1581159,0 минг сўм деб белгиланади. Демак, фойдаланувчилар ушбу суммагача ҳатолик мавжуд деб фараз қилишлари мумкин.

1. Жамиятда ички назорат ва ҳисоботларни ташкил этиш бўйича:

Жамиятда мавжуд бўлган ички назорат тизими активларни сакланиши ва молиявий хамда бухгалтерия ҳисоботларини ҳаққоний шаклланишини таъминлай олади. Ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги умумий ва алохида жихатлари бўйича ўртачадан юқори даражада деб баҳоланди.

2. Фаолиятни самарадорлигини тахлил қилиш бўйича :

“Молиявий ҳисобот” маълумотлари бўйича таҳлил натижасига кўра маркур хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамияти 2019 йил 31 декабрь ҳолатига ўз маблағлари билан таъминланмаган, асосий воситалари нисбатан эскирмаган, паст самарадорлик билан фаолият кўрсатувчи, жорий молиявий мустаҳкамлик коэффициенти, тўлов қобилияти коэффициенти меъёрдан паст нобарқарор корхона ҳисобланади.

3. Молиявий ҳисоботларни хаққонийлиги ва амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлиги тўгрисида.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Дўстлик пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи камчиликлар билан барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва

молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Бартараф этиш лозим бўлган камчиликлар ва тавсиялар:

- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига, «Солиқ кодекси»га, «Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандартлари»га, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларига, Вазирлар Махкамасининг қарорларига, Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган ва амалда қўлланилаётган йўриқномаларга, бухгалтерия ҳисобварақлар режасига тўлиқ амал қилишни, жамиятда Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби туғрисида»ги конунининг 7-моддасига асосан янги счётлар режасига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларни ташкил этишни, жамият томонидан бажарилган ишлар хужжатларини тўлиқ ва тўғри расмийлаштириш, иш ҳақи бўйича китоб юритиш ва аниқ ҳамда тўғри ҳисоб китоб олиб бориш, солиқ ва бюджетдан ташқари тўловларни тўғри ҳисоблаш, ўз вақтида тўловини амалга ошириш ортикча жарималарга йўл қўймаслик тавсия этилади.

Аудит ҳисоботида қайд этилган тавсияномадаги барча кўрсатмаларни бажарилиши юзасидан назоратни олиб бориш ва унинг бажарилишини таъминлаш жамият раҳбарига тавсия этилади.

Ҳисобот икки нусхада тузилди.

МЧЖ «MASLAXATAUDIT- M» АТ
аудитори: **М.Шарипов**

Ҳисобот билан танишдим ва бир нусҳасини олдим,
тахририят бош бухгалтери: **А.Ҳазраткулов**